

# Ўзбекистон Республикаси

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 4 август  
Сотувда эркин нархда  
№ 152 (2714)

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган ушбу мажлисда қишлоқ хўжалик корхоналарида ички шартномавий муносабатларни ташкил этиш борасидаги муаммоларни барторат этишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шунингдек, фермер хўжалиқларининг фаолияти мониторингини ажуслари ҳам кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, қишлоқ хўжалигида бўлиб ўтган мажлисда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка муносабатларнинг ҳозирги аҳолини қаттиқ танқид қилган эди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида бу соҳани ривожлантириш имкониятлари чексиз экани таъкидланган. Республика комиссияси мажлисида бу фикрлар яна бир бор тасдиқланиб, бажарилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, ширкат, фермер хўжалиқлари, оила пудратини шакллантириш борасида муайян муваффақиятларга эришилгани таъкидланди. Бироқ ҳали бу борада қилинмиши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Жумладан, жойларда ишга панжа орасидан қараш ҳоллари барҳам топмапти. Ширкат хўжалиқларида меҳнат қилаётган пайчиларни пай гувоҳномалари билан таъминлаш, чек тизимини тўғри жорий этиш, ички хўжалик шартномавий муносабатларини йўлга қўйиш каби масалаларда ҳали муаммолар кам эмас. Шунингдек, бора ва тоқзорларни ижарага бериш имкони бўла туриб, айрим вилоятларда бу ишда силжиш кўринмапти. Қаровсиз қолган боғлар эса қуриш арафасида.

Жойларда бу борадаги аҳоли юзасидан Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, айрим туманлар ҳокимлари ҳамда ширкат ва фермер хўжалиқлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда «Ўзмеваасаб-завотузманоат-холдинг» компанияси тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар аҳоли ҳам қўриб чиқилди. Бу корхоналарда мулк шаклини ўзгартириш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уларнинг қисқа муддатларда бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Журабеков, Т.Алимов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

(ЎЗА).

### Олий Мажлис сессияси олдидан

## ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

янги фикрлар ва тақлифларни юзага чиқаради,

дейди мухбиримиз билан телефон орқали суҳбатда нарпайлик Олий Мажлис депутаты  
Тошмуҳаммадов

— Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалар бири-бирдан муҳим. Масалан, «Мада» мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини олайлик. Депутатлар муҳокама қилинаётган ана шу ҳужжатнинг ўзбек мамлакатимизда бой тарихий меросимизга, миллий урф-одатларимизга эътиборини йил сайин кучаяётгани, уларнинг қонун йўли билан муҳофаза этилаётганини ифодасидир.

Мустиқиллик йилларида Президентимиз саяё-ҳаракатлари туфайли айнан шу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлди. Буни мен қадимий ва тақдорланмас осори-атиқалари билан жон аҳлини лол қолдираётган кўна Самарқанд мисолида хар кун, хар он кўриб, ҳис қилиб тураман. Лекин ана шундай эътибор ҳали кўпгина қишлоқларимизга етиб келмаганидан афсусланаман. Тўғри, ҳаммасига бирийла эришиш қийин. Ҳаракат бўлмасачи? Унда янада қийин.

Нарпай туманининг Улғабек номи ширкат хўжалигида Хўжакарзон деб аталувчи қишлоқ бор. Айрим маълумотларга қараганда Хўжакарзон маҳаллий халқ вакили бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида рус иттилоқчиларига қарши беаъв қурашган мард инсонлардан экан. Аммо у ҳақда ҳамон тўлиқ маълумотлар тўпланмаган.

Назаримда, депутатнинг кўпроқ халқ орасида бўлиши, қабул қиларини вилоят ёки туман марказида қишлоқларга кўчириш ҳаётий масалаларнинг тезроқ ҳал этилишига ёрдам беради. Бу ҳақдаги тақлифларимни мен ўзим аъзо бўлган Регламент, одоб

ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси йиғилишларида айтдим.

Утган сессияда «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим моддалари ҳақида ҳам ўз фикрларимни билдирдим. Чунки таърирдаги бу қонун лойиҳасининг навбатдаги сессияда унинг ўқишда муҳокама қилинаётгани янада аҳамиятлидир. Бундан англашадикки, сессия ва сессия оралиғида депутатлар кун тартибидagi масалалар — қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятига жиддий эътибор билан қарашаяпти. Мутахассислар, зиёлилар, кенг халқ омаси билдирётган фикрлар, киритилган тақлифларни диққат билан қараб чиқишяпти.

Мен сўзга чиқаётганимда айтиётган хар бир фикримда халқ манфаати, мақсади мужассам эканини ҳис этаман. Негаки, барча фикрларни бевосита сайловчиларнинг ўзларидан, улар билан ўтказадиган учрашувларимдан оламан. Олий Мажлисда тайёрланаётган қонунлар лойиҳалари ҳақида гапириб берганимда сайловчиларнинг улгарга нисбатан бекор эканликлари мени хар гал қувонтиради. Назаримда, сайловчи фаолиги — депутат фаолиги деганидир.

Мана мустиқиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида ўтадиган яна бир тарихий сессиямизга ҳам санокли кунлар қолапти. Уйлайманки, кун тартибида муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ҳали тақлифлар, фикрлар кўп бўлади. Улар эса қабул қилинаётган қонунларнинг мукамаллиги ва ҳаётбахшилигини таъминлашга хизмат қилади.

Абдурасул САТТОРОВ  
эъиб олди.

### Сўз — Ўзбекистон Қаҳрамонига

Изланиб, ёниб-қуйиб, севган касбига кўнгил қўйган кишининг ошима олчи бўлаверар экан. Айниқса, бу илиқ моҳр-муҳаббатни 30 йиллик муаллимлик фаолиятининг сўнгги ўн йилли мубайнида янада теранроқ, янада аниқроқ ҳис қилдим. Чунки мен мактаб бағрида нима яхши нарсаларга эришган бўлсам, ҳаммаси истиқлол йилларига, раҳматли бобом, маърифатпарвар бовим орзу қилган озодлик йилларига тўғри келди.

## ТОЛЕИМДАГИ ҚУЁШ

Истиқлолнинг дастлабки йиллик қасбим номига олий тоифадаги ўқитувчи деган шарафли ном қўйилиб айтиладиган бўлди. Оралдан ҳеч қанча вақт ўтмай 20 йиллик орзуми ушладди. Тошкентда «Ўқитувчи» нашриётида «Саҳнада математика» деган китобчани нашр қилдим. Мен бу йилларни энгизмай, тўққизинчидан гапиролмайман. Чунки Шуро тўзими даврида шу китобни нашр қилдириш учун ўн йилдан ортиқ элиб-югурсам-да, мақсадага эришолмаганим.

Математика нафратли имфанинг, дунё амалиётининг сирли-синоатли соҳаси. Унинг сирли оламига бир марта кўриб қолган киши умрининг охиригача бу фанининг асри бўлиб қолади.

Ҳозир фан ўқитувчиларининг асосий вазифаси ёшларни қизиқтира билишда. Ўқувчи ўзи қизиққан фанга кўнгил қўйдими, бўёғи осон кечади.

Секин-аста мен ташкил қилган тўғракада математика тарихи, «Мураккаб математик ҳолатлар», фигураларнинг сирли оламини ўргана бошладик. Ушбу йиллари буюк математиклар ҳаёти ҳақида кичик саҳналар қўйилиб режалантирилган. Фақат истиқлол давридагина бу ният ҳам амалга ошди.

Ўқитувчи учун ўз ўқувчинининг камолотини, эришган ютуқларини кўриб қувонишдан ортиқ бахт йўқ. Ҳозир Кўҳон шаҳрида математика фани ўқитувчилари вилоят ва республикамизнинг бошқа минтақаларига нисбатан анча кўп, десам ишонуваринг. Мен уларнинг дарс машғулотларида «Қизиқари математика» ва «Ўқувчилар тарбияси», «Математика ва компьютер саводхонлиги» мазмунлидаги машғулот-режаларини кўриб, қувониб кетаман. Ахир, яқин ўтмишда ҳам бу машғулотлар-

ни режага қиритиш учун ойлаб, йиллаб овора бўлмаганимиз? Ҳозирга келиб эса ўқитувчининг ўзи эркин мазунини ташлаши мумкин. Ахир буларнинг барчаси Президентимизнинг қаволат ташаббуси билан қабул қилинган «Тайин тўғрисида»ги Қонун, «Қарлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалдаги ифодаси эмасми?!

Биз ҳаммасимиз бозор иқтисодиёти ўқитувчиларининг турмуши ва фаолиятига таъсир кўрсатяпти, деб нолиб қолишадим. Шундай давларда уларга илк педагогик фаолиятинини бошлаган даврдаги хар хил таъкидлар, чеклашлар, қолдиладан бироз четга чиқас, дақиқ эинтишимиз, ўзбонимиза деган ном орттиришимизни эслаш қўяман. Ахир эиндикда муаллим учун кенг қулоқ эъиб ишлаш, ўз қувави-ҳуқуқини даражасида мароқли машғулотлар ўтказиш учун имко-

ниятлар яратилди-ку. Буни кекса педагогларнинг бутун бир авлоди оруз қилиб келганда, Изланиш эл олқишлайверди. Яқинда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» деган машғулотлар туркуминдан дастур яратдим. Бу математика фанидаги янги йўналиш. Минг бора шукурки, бу янги таълимнинг жуда кўп шогирдларини қизиқиб ўрганапти. Ахир шу интиқли, ижобий ютуқлар истиклолнинг меvasи эмасми?!

Ўқитувчилик билан бирга жомат ишларида ҳам фойда қўйишяман. Дегуз мақсат хотин-қизлар расислигида яқинда қайта қайландим. Ҳозир бутун мақсатимиз аҳли билан бирга хотин-қизларнинг юртимиз мустиқлигини қўлтуғи тўғрисида аргументлар ҳазирлашяпти.

Манзураҳон МАДАЛИЕВА,  
Қўҳон шаҳрида,  
10-ўрта мактаб ўқитувчиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони.

## Қишлоқ хўжалиги: ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Маълумки, республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалик соҳаси алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу тармоқнинг ривожланиши, хўжаликлар томонидан мажбур экан майдонларида қўзғалган ҳосил етиштирилишининг таъминлигини кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигидаги хизмат кўрсатувчи ва зарур моддий-техника ресурслари етказиб беришчи корхоналарнинг мунаносиб фаолият кўрсатишлари бағлиқдир.

Шуларни ҳисобга олиб, республика қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда ҳосилдорликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланган минерал ўғитлар ва экинларни ҳимоя қилишда қўлланладиган қишлоқ хўжалик вазирлиги ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томо-

нидан муайян ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, «Кимё санати корхоналари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар учун ҳисоб-китоб қилиш механизми тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 16 июлда 1049-рақам билан давлат рўйхатида олинди.

Низомда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағмағарси томонидан хўжаликларга етиштирилган пахта ва бошқоқли дон ҳосил учун аванс ва яқиний ҳисоб-китобларга ажратиладиган маблағларнинг, етказиб бе-

риган минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар учун «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ва «Ўзкимёсанаят» давлат акциядорлик компаниялари таъсирфидати корхоналарга ўтказиладиган қисмини маҳсус ҳисоб рақамлари орқали йўналтирилиши белгиланган бўлиб, ушбу янги механизм тўловларнинг тўсиқлариз амалга оширилишини таъминлайди. Маъмур ҳисоб рақами орқали маблағларнинг йўналтирилиши бўйича керакли тўлов ҳужжатларининг расмийлантирилиши ва маблағларнинг белгиланган мақсадлар учун сарфланишини таъминлашда хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг, айниқса, «Пахтабанк», «Ўзсанаятқурлишбанк» ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг ўрни ва аҳамияти алоҳида кўрсатиб қўйилган.

Шундай қилиб, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ва «Ўзкимёсанаят»

давлат акциядорлик компаниялари таркибидagi корхоналарнинг маҳсус ҳисоб рақамлари келиб тушган маблағларни зарурий эҳтиёжлар бўйича тўловларга: кимё заводлари ўртасидаги мажбур қарзларни қамайтириш, иш ҳақи ва бюджет қарзларини узиш ва конвертация мақсадларида йўналтириш имконияти яратилди.

Маъмур Низомнинг тасдиқланиши кимё санати корхоналари фаолиятида энг зарур тўловларнинг ўз вақтида ўтказилиши, иш ҳақи ва бюджет тўловларининг чексизлиги тўғрисида ва чет эллик ҳамкорлар олдидagi мажбуриятларнинг мунтазам бажарилиши боришда ижобий самаралар беради.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
матбуот хизмати.

## Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси, республика Бош прокурори Р.Қодиров олиб борган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ўқувчилар таълим-тарбиясини яхшилаш, болалар ногиронлигининг олдини олиш ва уларнинг ижтимоий қўниқини аҳолини текшириш натижалари муҳокама қилинди. Жойларда бу ҳусуда эътиборга лойиқ ижобий ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мақсадда идоралар томонидан етарли ишлар қилинмаганлиги таъкидланди. Айрим жойларда фанларни ўзлаштиришга қийинлаётган ўқувчилар билан мустиқ машғулотлар ўтказилмаган, уларга жамоатчи тарбиячи ва устоз тайинланмаган.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар атрофида муҳокама қилиниб, комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгилаб олинди.



### Долзарб мавзу

Бизнингча, Адлия вазирлигининг вилоятларидаги бошқармалар ҳам хўжаликлар билан шартномалар асосида жойларда шу соҳага доир қисқа муддатли қурлар ташкил этишлари мумкин. Бундай тадбирларни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мавзода, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Макрокислотнинг ва статистика, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, Давлат мулкни қўниқати олдига бир ой мўддат ичнда кичик ва ўрта бизнес учун ташкилотлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар тайёрлаш иқтисодлашган касб-хунар коллежлари тармоқини яратиб, бу борада тегишли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш вазирларининг қўниқани айни мўддага бўлди.

Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқимиз томонидан мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча имкониятларни яратиб ва бундай ҳаракатларни йўлга қўйиш зарур. Бухтарларнинг яна бир эркин ифодасидир. Бунга жавобан хусусий тадбиркорларнинг ўзлари ҳам гайрат-шиқоятли, ташаббускор бўлишлари, ўз соҳаларида муваффақият қозониш учун профессионал малякаларини оширишлари, ҳуқуқий маданият, иқтисодиёт асосларини чуқур эгаллашлари, жумладан, менежмент фаолиятини менежмент санъати даражасига кўтариш устида ишлашлари керак.

М.САФАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Шу сонга хабар

Жиззахлик ёш шахматчи Юлдаз Ҳамроқуллова Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган халқаро шахмат мусобақасида қобилияти тенгдорлариданикдан анча баланд эканини кўрсатди.

### ЮЛАДУЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

У барчани доғда қолдириб, мусобақанинг энг кучли шахматчиси, деган фахрли номга сазовор бўлди. Бишкекдан 1-даражали диплом билан қайтган Юлдазни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими қимматбахшо эсдалик совғаси билан тақдирлади. Қўлга киритилган муваффақиятдан рухланган умидли шахматчи келбасида бўладиган мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Йўлчи ЖўРА,  
ЎЗА мухбири.

## МЕНЕЖМЕНТ — ОМИЛКОР БОШҚАРУВ САНЪАТИ

Бозор иқтисодиёти онгимизга янги тушунчаларни, ҳаётимизга янги амалларни олиб кирди. Шу тариха, халқимизнинг ижтимоий онги ва турмуш тарзи тубдан ўзгариб бормоқда. Масалан, бир вақтлар «Менежмент», «менежер» деган сўзлар кўпчиликка нотаниш эди. Бугун эса улар ҳеч

кимга гайритабиий туялмайди. Аксинча, замонавий тадқиқотларнинг бирида айтилганидек, «бизнинг директор яхши менежер-да» ёки «корхонамизда менежерлик яхши йўлга қўйилган» деган гурурли ибораларни ҳам эшитадиган бўлиб қолдик.

Буюк Илақ йўлининг қайноқ марказларидан эди. Бундай шароит эса ўлкада бунёдкорлик фаолиятининг хар таррафла ривожланишини эътиборга олинган. Булар таъриф этган сайёҳларнинг, хоржий олимларнинг кўпуб китобларида баён қилинган.

Бирок, бугун биз цивилизация, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиянинг юксак ривожланган, сиёсий, иқтисодий муносабатлар глобаллашган бир шароитда яшаймиз. Бугунги ўзбек менежери ҳам — шу оламшумул тараққиёт дариининг фарзанди. Давр тамомили янги фикрли, янги дунёқарашли, юксак маданий савияли, баркасиз имли қадрларни талаб қилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда макрокислотли барқарорлик таъминланди. Бозор шароитида чуқурлашди, корхоналарнинг молиявий аҳолини мустиқҳам-

лаш ва уларнинг экспорт едоқинини кенгайтириш йўлида бирмунча ютуқларга эришилди. Бунда ўз ишини пухта эгаллаган, бозор синоплатларининг тилини мукамал тушушган менежерлар иқтисодиёт бошқарувида кўпуб келадиган ҳал қилувчи омиллардан бўлаётди.

Шу билан бирга, биз ҳали жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш йўлида кўпуб иш қилинмиш керак. Жумладан, давлатимиз раҳбарини алоҳида таъкидлаб айтганларидек, бугунги кунда, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш долзарб стратегик аҳамиятга эга масала бўлиб турибди.

Барча ривожланган давлатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Чунки бундай бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгаришчан талаб-

ларига қулайлиги, нисбатан қалтилат маблағ сарфини кама талаб қилиши, иқтисодий зарур тамойилга — тез мослаша олиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини тез ўзгартира олиши, ишлаб чиқариш қувватларини тез модернизация қилиш имкониятига эгаллиги билан бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб беради. Биз буни эиндигина тушуниб етдик. Афсуски, бу борада бизда муаммолар ҳам оз эмас. Кичик ва ўрта бизнес соҳасининг бошқарувидаги раҳбарларнинг аксарияти ҳали таърибсиз, маллака жиҳатидан замонавий талабларга жавоб бермайди, уларда замонавий ҳуқуқий маданият шаклланмаган, иқтисодиёт асослари бўйича билимлари паст, бизнес-режаларни тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатлари малякали расмийлантириш, ҳисоб-китобни тўғри юритиш, хўжалик шартнома-

ларини ҳуқуқий асосли қилиб тузишда билим ва таърибларнинг етишмовчилиги. Ҳудди шундай муаммолар эса уларни турли қийинчиликларга дучор этмоқда.

Худоса шукки, кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги бошқарувни ривожлантириш учун республикада кенг ва барқарор тизимни яратиб керак. Тўғри, олий ўқув юрталарида менежерлик таълими ташкил этилган. Аммо уларда йил ўқиш зарур. Бизнес мактаблари ҳам бор. Бирок, уларнинг ўқув дастурини ҳали замонавий талаблар асосида қайтадан қўриб чиқишга тўғри келади. Бу соҳада масъулият бўлган республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнес менежмент бўйича жойларда ўқиб ташкил этишга ҳанузгача сует ёндашмоқда.





ХОТИНИНИНГ раёнига қараб у билан бирга ресторанига кириб келган Кўзимурод эшиккасининг иштифтотидан ҳайрон бўлиб қолди.

— Эй, келинлар, келинлар! Қадимларнинг ҳасанот! Сизларни анчадан бери орзиқиб кутаётганлик.

Улар эшиккаси янгилишма-яптимикан, дегандек ортига ўтирилиб қардилар. Уларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб баттар ажабланишди.

— Бизни айтмасизми? — ҳайронлиги ортида Кўзимуроднинг. — Аслим билан бая бир хуфтадан сома егандик. Шунга чанқаб кетиб бир кўлтумгина...

— Ҳаммасини яхши тушунаман, — эшиккаси майинлик билан жиймайга, турили лампочкалар ёниб турган зал томон қувон билан хитоб қилди: — Шеф, кутаётган меҳмонларимиз келишди!

«Шеф» деганлари зал мудири экан. Зум ўтмаёқ қўлида гулдаста тутганича ҳалослаб етиб келди. Гулдастани мануният билан Кўзимуроднинг аслига узатганича уларни столлардан бирга алоҳида илтифот кўрсатиб етказди.

— Йўқ, йўқ! — Кўзимурод бир-икки қадм босмаёқ оёғини ерга маҳкам тираб олди. — Биз чанқадик, холос, шунга... Қорнимиз тўқ деганман-ку! Ҳалиги еган сомаимиз сал шўрроқ экан-да. Шунинг учун сув ичамиз деб...

— Ҳамма, ҳаммаси бўлади, — кўзларини маъноли қисми зал мудири. — Сизлар манави жойда хотиржам ўтириб туринлар. Официант, бўёгини тезлатинлар! Хой мушқачилар, қани шўрроқдан чалинлар-чи!

Оғир мусиқани эзгилатган созандаларга ҳам жон кирди. Оппоқ фартук таққан официантлар хаш-паш дегунча столнинг устини турили пишириқлари ажабтовур ичимликлар билан тўлдириб ташлашди. Бунга кўриб Кўзимуроднинг рангли кув ўчди. «Бу ердигилар «план»ни бажаришмай биз-



Сув ичамиз деб... Ҳажвия

га ўхшаганларга топган-тутганларини зўрлаб егизишга ўтвозилишибди-да. Оббо, фирромларей! Найрангинга учалдиган аҳмоқ йўқ. У ҳаёлига келган ўйдан ўзини қўйга жой топпай, ўриндан туриб кетди.

— Ис, бу қанақаси?! — зал мудири уни елкасидан босиб зўрлаб жойига ўтказди. — Ахир биз сизларни орзиқиб кутаётган эдик. Бу кунга етгунча...

Кўзимурод «ух» тортиб, бўлаётган ишларга анграйиб қолган хотинига қараб қовоғини солиди. «Ҳаммасига хотини сабабчи. Чанқадим дегананда бу кўргулик йўқ эди. Ҳамён кўрур эса...» Енидаги бор пули аनावи закускага ҳам етмайди. Столдагиларнинг нархи битта катта кўчкорнинг пулига тенг бўлса керак. Оббо, энди нима қилим?

— Қани, қани, азиз меҳмонлар, ҳеч тортинмай олинглар! — илтифот қилди зал мудири. — Буларнинг ҳаммаси сизлар

уҳун. Ҳа, айтмоқчи, бирорлар, оқидан кетадими ёки... — Э, йўқ! — кўларини олдинга чўзиб эътироз билдириди Кўзимурод. — Мен фақат чанқадим холос. Бизни кимлардир ўхшатайсизлар, шекилли. Жон ака, бизга жавоб беринг, уйимизга кетимизми керак. Узи шусиз ҳам брига-

дирдан гап эшитадиган бўлдим. Ҳа, ҳали... гўзаларга сув қўйишим керак-да. — Бундай тантананда ишдан гапирманг-! — зал мудири шундай деб арок тўла қадаҳини Кўзимуродга узатди. — Қани, жамоамиз ишларининг янада ривожланиши учун олсак.

Кўзимуроднинг боши қотиб қолди. «Индамай олаверай» деса чўнтак чатоқ. Тулай деса, сувчилик қилиб бир йил топгани ҳам соддагина етмайди. Бу ёқда манави пўрни крстаб қўймапти. Бизни барбир кимгадир ўхшатишпти-да.

— Ахир тушунасизми, — деди у охири тоқати ток бўлиб. — Мен бунча хил таомга, ичимликларга қандай қилиб пул тўлайман? Енимда бор-йўғи 143 сўм пул бор, холос.

Кўзимурод овозини баянда қилиб боради шеклиди, ресторандаги бошқа хўрандалар ҳам улар томонга биш-бир қараб қўйишди. Зал мудири бунга

парво қилмай, уларни яна дас-турхонга тақлиф қилди. Кўзимурод бир зум ўйланиб турди-да, ёнида ўтирган хотинига шипшиди: — Э, бўёғи нима бўлса булар, Сарви, Корнингга сиққанча еб-ичавер! Манави соатини, сенинг узутининг гаровга бериб кетармиз.

Бир-иккитадан қадаҳ кўтарилиб, ул-бул нарсалардан тановул қилинган, зал мудири «мен ҳозир» деб ўриндан турди-да, кўп ўтмай уларнинг ёнига капалак нусха бўйинбоғ таққан, тепақал, басвалат кишини етаклаб келди. У кишининг имоси билан бир зумда видеокамерачи ҳам стол атрофида айлана бошлади.

Бунга кўриб Кўзимуроднинг баданидан муздек тер чиқиб кетди. «Бўёғи қизик бўлди-ку, а? Пулини тўламаймиз дейишпти, деб устимиздан дарвор арз қилибди-да, номер! Мен унга бор гапни тушунтирдим-ку?! Энди бўлса ҳеч нарса билмагандек орқада қўл қовуштириб туриши нимами? Телевизорга ҳам олдиришпти. Ҳалемиз медреса чакришса керак. Э, чанқамай ул, Сарви! Бир кўлтум сув ичамиз деб бошимизни машамашга тикиб олдик. Ҳўгани чанқатиб қўйиб, ресторанима-ресторан юрибсан

экан, деб раис бува ҳам ала-бимни берадиган бўлди-да». — Хўш, меҳмонлар яхши ўтирибсизларми? — басвалат киши Кўзимурод ва унинг аёли билан бош ирғаб саломлашар экан, рўпарагаги стулга ўтирди. — Таомларимиз, хизмат кўрсатишимиз ёқдими? Ҳа, раҳмат, раҳмат! Энди сизларга аталган арзимас совғаларимиз бор. Йўқ дейишинлар нимами? Ахир сизлар ресторанимиз очилгандан бери қадим хўрандаларимизсиз! Кунда одам санайвериб, ҳодимларимиз ўша бахтли инсонлар ким бўларкин, деб юришарди. Қаранглар-а, бундай юбилей хўрандали сизларга насиб етдиби! Жамоамиз номидан сизларни кўтайман. Ресторанимизга тез-тез келиб туринлар!

— Қайтаётганларидан хотини Кўзимуродга гап қотди: — Даласи, ресторанимиз деганларини жа-а зўр экан-а?! Ҳар замонда шаҳарга келиб, кириб турсак буларкан. Ҳам беул боқишаркан, ҳам совға беришаркан.

— Оғзингни юм! — бироз ширақайф бўлган Кўзимурод хотинини жеркиди. — Агар сиздан алаҳидида ҳозир ўзинг унга ёлғиз кетаётган бўлардинг, хўпми? Юбилейларини олдинроқ айтмай, роса диққат қилишганини ҳисобга олмасак, мазза қилиш-да! Телевизорда кўрсатишса, ресторанинг директори ошман бўларди, дейман. Бригадиримиз ҳам ҳалде сўқасармай қимлигини бир билиб қўйсин. Ҳа, айтмоқчи, ишқилиб чанқамасанми?

Халимжон ТОҲИРОВ.

ДИККАТ! ДИККАТ! ДИККАТ! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС-МУЛК БИРЖАСИ. ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАҚИФ ЭТАДИ. Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Саавдо 2001 йил 29 август кунини соат 11.00да Республика биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида ўтказилади.

Банк — тадбиркор мададкори ЎЗАРО ИШОНЧ — КАТТА КАФОЛАТ

Наманганда «Мебелни зўрини олмақчи бўлсангиз, «Зилло» дўконига боринг, сизга ёқадигани топилмаса, буортмангизга қараб, дарров тайёрлаб беришад», дейишди. Ротдан ҳам шундай. Бу ердан бежирим диван, стол-стул, жавонларнинг сифатига қўйил қоласиз. Ҳеч бири хорикчиликдан қолшмайди. Бари фирма тасарруфидан мебел чеҳиза ишлабтган 6 нафар хўрандорнинг қўлидан чиқмоқда.

— Малагон имкон топар экан, — дейди «Зилло» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Юнусон Мирзобоев. — Нозик ҳаридат хориждорнинг кўнглига ёқадиган махсулот тайёрлашни йўлга қўйиш осон келмади, албатта. Лекин қийин далаларда жонимизга оро кирган «Саавдогарбанк»нинг кўмагини сира эздан чиқармаймиз. Чунки бундан беш йил аввал шу банкдан олган дастлабки кредитимиз ишимизда асқотди. Шунинг ҳисобига мебел чеҳизини ишга туширдик, анчагина хомашё сотиб олдик.

Тадбиркорнинг банк қаҳқанда илик гаплар айтаётгани беҳиз эмас. Сабаби — кейинчалик ҳам лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, Италияда ишлаб чиқарилган музқаймоқ линиясини сотиб олиш ва ўрнатилишида кредитлардан фойдаланилди. Бугун бу ерда тайёрланган, бежирим қозғаларга ўралган олти турдаги музқаймоқларнинг хориждорлари кўп. «Зилло»ни ушбу банк доимо иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳар йили беш миллион сўм кредит олиниб, у-

дан фойдаланилмоқда. Булмаса, 27 нафар киши тирикчилигини ўтказиб турган фирманинг барқарор ишлашини таъминлаш осонми?

«Саавдогарбанк»нинг Наманган шаҳар филиали ёрдамида қаддини тиклаб олган қорхоналар кўп. «Дегрентекс» масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур қорхонага 1999 йили 4 миллион сўм кредит ажратилган эди. Шунинг эвазига жамият қарадан қўтилибгина қолмасдан 5,3 миллион сўм фойда кўрди. Устига устак, тўқув ва тикув дастгоҳлари сотиб олиб, қўшимча 24 та ишчи ўрни яратилди. Эндиликда унинг чеҳизарида 40 киши ишлай қўйиб, йилга 129 тонна ипни тайёр махсулотга айлантирапти. Жамият раҳбари Валижон Қамбаров банк миқжози бўлганидан хурсанд. Яқинда яна 7 миллион сўм миқдорда кам фойдали кредит расмийлаштирилди.

«Бу сафаргисини хомашё захирасини яратиб ва ишчи ўринларини 120 тага етказишга сарфлаймиз», дейди у. Валижоннинг айтишича, дастлаб кредит олиш учун 45 кун кетган бўлса, кейингисини икки ҳафтадаёқ олган.

Буларнинг барчаси банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки бошқа йўналишдаги пухта лойиҳани тавсия этган тадбиркор бу ердан қуруқ қайтмайди. Утган йили ҳам юздан ортиқ хўжалик юртувчи субъектларга ажра-

тилган 356,9 миллион сўм миқдордаги кредитнинг 111,6 миллион сўми кичик ҳамда ўрта бизнес билан шуғулланувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Бу йил эса олти ой давомида 170 миллион, шу жумладан, тадбиркорларга 79,6 миллион сўмлик кўмак берилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур молиявий муассасада ҳукуматимиз томонидан белгиланган тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш вазифаси муваффақиятли ижро этилмоқда.

Филиал жамоаси кредит, факторинг, лизинг амалиётлари билан чекланиб қолмай, қорхоналарнинг ўзаро қарздорлигини қисқартириш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Чунки, ўтган йили 156 миллион сўм, жорий йилнинг биринчи яр-

мида 14,8 миллион сўм маблағ миқозларини ўзаро муносабатларини тартибга солиш учун ажратилди. Улар орасида «Нотўқимачи», «Уйчи қишлоқ хўжалик машинасозлиги» хиссадорлик жамиятлари сингари жамоалар бор.

— Бугун миқжоз банклардан бирини танлаш имкониятига эга, — дейди филиал бошқарувчиси Жамалиддин Мақсудов. — Албатта, у иш тез ва осон битадиган жойга боради. Замонавий банкка қўйилаётган талаб ҳам шу. Бизда 511 миқжознинг юму-

ши ўз вақтида ҳал этилиши учун барча шароит яратилган. Кредит сўраб ёзилган ариза узоғи билан 3 кун мўддат ичида қўриб чиқилади. Кўни кеча «Банк — миқжоз» дастури асосида янги тизимни жорий қилдик. Биринчи бўлиб «Дўстлик» теннис клуби фойдалана бошлаган бу хизмат турида миқжоз банкка келиб ўтирмайди. Бизга боғланган компьютер орқали иш жойининг ўзида ҳисоб-китоб ишларини бажараваради.

Бир неча йил аввал Аргентинанинг Дона Франсесиска қишлоғи яқинида қолдиқларни топилган динозаврларнинг аждоди, деб таҳмин қилинмоқ-

да. Олимларнинг фикрига қўра, Бразилия ҳудудидан топилган суяклар ер юзюда шу кунга қадар аниқланган динозаврлар орасида энг қадимсига тегишдир. Аргентинадан топилган қолдиқларнинг ёши 230 миллион йил, деб белгиланган бўлса, Бразилиядан топилган суякларнинг ёши 240 миллион йилга тенг, деб таҳмин қилинмоқда.

Ушбу қолдиқларни топилди. У Африкада қор ёғди


Жануви Африка Республикасининг Шарқий Кейп вилоятида биринчи бор қор ёғди. Уни ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш учун мамлакатнинг турли бурчаларидан сайёҳлар ёпирилиб келмоқда.

Энг қадимги топилма

Бразилияда динозаврнинг суяк қолдиқлари топилди. У

Узбекистонда давлат Жаҳон тиллари университетини ректорати, жамоаси уюшмаси, Жаҳон адабиёти кафедраси жамоаси Жаҳон адабиёти кафедраси мудири, профессор Бухориддин Мамедовга онаси Мухаррам ая ФАНИЕВАнинг вафот этганини муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат Техника университети ректорати, жамоаси «Электрон ҳисоблаш машиналари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдухалил Ганиева онаси Насиба ая ФАНИЕВАнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.



Узбекистон монтаж ва махсул қуриш ишлари уюшмасига 1994 йил 27 июлда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги 214-сонли гувоҳнома йўқолаётгани сабабли бекор қилинди.

Узбекистонда эстрада бириламиси Узбекистон Езувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Узбекистон калк шоири Мухаммад ЮСУФнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чўкур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат Техника университети ректорати, жамоаси «Электрон ҳисоблаш машиналари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдухалил Ганиева онаси Насиба ая ФАНИЕВАнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

маблағни биринчи талабдаёқ олишди. Бугун омонатчилар сони 4,5 миң кишидан ортиқ. Агар 2000 йил бошида омонатга жал этилган маблағ миқдори 19 миллион 300 миң сўми ташкил этган бўлса, йил охирига келиб у 35 миллион сўмга, жорий йилнинг 6 ойида эса 58 миллион сўмга етди.

Банка миқжозларга жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатишмоқда. Ҳар бир ходим миқжознинг топиригини вақтида бажаришга одатланган. Ишловчиларнинг асосий қисми олий маълумотли. Айни пайтда яна ўн киши банк ҳисобидан олий ўқув юртида таҳсил олапти. Ходимлар малакасини ошириш мақсадида ҳафтанинг бир кунини иқтисодий ўқиш йўлга қўйилган. Машгулотларни олий ўқув юртиларнинг ўқитувчилари олиб боришади. Бундан ташқари, бўлим ва филиалларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Чортоқ филиали учун янги бино қуриб битказилди. Бугун-эрта Наманган туманида Тўзбулоқ филиали иш бошлади.

Банк ишининг самардорлиги миқжозлар эришадиган натижаларда ҳам кўринади. Шу жиҳатдан қараганда, бугун вилоят истеъмол бозорини тўлдирётган товар ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчи шохобчалар сафида «Саавдогарбанк» миқжозлари кўпчилики ташкил қилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бу молиявий муассаса бераётган кредит уларга мустаҳкам таянч бўлаётганининг исботидир.

Кредит ресурсларини шакллантиришда бюджетдан ташқари жағмараларнинг фол иштироки ўз навбатида банк имкониятларини кенгайтираётди. Жорий йилнинг олти ойида «Бизнес-фонд», Меҳнат бандлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам бор. Бу ерда эътиборни кўпроқ аҳолини саккиз турдаги махсулотлар билан таъминловчи саавдо қорхоналарига қаратишди. «Матбулотсаавдо» ва «Намангансаавдо» хиссадорлик компаниялари дўконларда махсулотлар узлиб қолмаслиги учун, зарур кредитни ҳеч бир

қийинчиликсиз олиб туришди. Масалан, бултур банк томонидан ажратилган 898,5 миллион сўм кредитнинг 540 миллион сўми ана шу мақсадларга йўналтирилди.

Кредит ресурсларини шакллантиришда бюджетдан ташқари жағмараларнинг фол иштироки ўз навбатида банк имкониятларини кенгайтираётди. Жорий йилнинг олти ойида «Бизнес-фонд», Меҳнат бандлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси хузуридаги жағмаралари ана шу мақсадга 25 миллион сўм маблағ ажратганликларни фикримизнинг исботидир.

«Саавдогарбанк»нинг вилоят бўлими ўз ресурсларини ҳисобидан берилаётган кредит маблағлари ҳам кам эмас. Йил бошидан бундан ажратилган 496,5 миллион сўм маблағнинг асосий қисми шундай ресурсларни ташкил этади. Бунда махсул имтиёзли кредитлаш жағмараси асосий манба бўлиб хизмат қилапти. Жамоа ярим йиллик янчилари бўйича олинган 7 миллион 300 миң сўм соф фойданинг чорак қисмини ана шу жағмарга ажратди.

Аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб қилиш орқали ҳам банк ўз иқтисодий салоҳиятини оширмоқда. Бугунги кунда одамлар ўзлари учун қўлай ва даромадли бўлган ўнлаб омонат турларидан баҳонидил фойдаланаётганлигининг боиси уларнинг банкка бўлган ишончидир. Чунки бу ерда нақд пул танқислиги ёки ортиқча рақимчилик йўқ. Миқжозлар омонат дафтарчасидаги

Кудратилла НАЖАЙДИНОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти—21.00 топшилади: 21.50 | 2 3 4 5 6

«ЖАЛҚ СҰЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Боллес (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухаммадиев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоберова, И. Шогурдомов, О. Қанберганов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Хошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.